





хавф солаётган таҳдидлардан воқиф этувчи, огоҳликка даъват қилувчи асарлари, армия-мизни, озодлик ва мардликни тараннум этувчи адабий тўпламлар, осуда замонимизда Ватанимиз сарҳадларини сидқидилдан ҳимоя қилаётганлари ҳақида газета ва журналларда босилган мақолалар ва очерклар ўрин олган.

17 январь куни эса, сўз санъати устаси, машҳур драматург, Антон Павлович Чеховнинг 155 йиллигига бағишланган китоб-расмли кўргазмаси очилди. Кўргазмада ёзувчининг ҳаёти, ижоди, замондошлари ва издошларининг хотиралари жамланган китоблар ва унинг оила ва дўстлари даврасидаги дамлари муҳрланган фотосуратлар, шунингдек, Чеховнинг баъзи ҳикоялари, пьеса ва киссалари ўрин олган.

19 январь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида умидли таржимон Ойбек Остонов билан ижодий учрашув ва унинг немис тилига таржима қилган Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» романи, Абдулла Қодирий ҳикоялари ва Шарқ афсоналаридан ташкил топган «Буюк ипак йўли ривоятлари» тўпламининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда қатнашганлар таржимоннинг ижодига, таржима жараёнига доир ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат этиб, батафсил жавоб олдилар. Тақдимо сўнггида Ойбек Остонов Миллий кутубхонага Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» романи таржимасини тухфа этди.

20 январь куни Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва дирижёр Рейнгольд Морицевич Глиэр таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан ўтказилган адабий-муסיқий кеча ва унинг ҳаёт йўлини акс эттирувчи китоб-расмли кўргазма бўлиб ўтди. Тадбирда Р.М. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган муסיқа Академик лицейи ўқитувчи ва ўқувчилари, кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Кечада Р.М. Глиэрнинг ҳаёти ва



ижоди ҳақида сўз бориб, у басталаган куйлар янгради, китоб-расмли кўргазмада эса, Р.М. Глиэр тўғрисида замондошлари томонидан ёзилган хотиралар ва у яратган асарлар ноталари намойиш этилди.

22 январь куни биринчи ўзбек драматурги, адабиёти ва матбуотининг атоқли намоюдаси Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан китоб-расмли кўргазма очилди. Миллий драматургия ва сахна санъатининг шаклланиши, янгича илғор ҳамда серкўлам публицистиканинг вужудга келиши унинг номи билан боғлиқдир. Кўргазмадан буюк маърифатпарвар адиб, аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаётидан, унинг илм-маърифат йўлидаги жонбозликларидан гувоҳлик берувчи рисоалар, хотира китоблари ва унинг қаламига мансуб асарлар ўрин олди.

23 январь куни Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова билан учрашув бўлиб ўтди. Тўти Юсупова ўз ижод йўли ҳақида гапирар экан, авваламбор, устозлари А. Гинзбург ва Тошхўжа Хўжаевлар ҳақида, орзусига эришиш йўлидаги тўсиқлар ва қийинчиликлар тўғрисида сўзлаб берди.

26 январь куни шоир Султон Жўра таваллудининг 105 йиллигига бағишланган библиографик шарҳ бўлди. Тадбирда шоирнинг «Ҳарфлар паради», «Тиниш белгиларининг мажлиси», «Ёлгончи», «Чўнтак», «Ой нечта», «Соғинчли салом» каби асарлари ёдга олинди. Султон Жўра шахси, ҳаёти ва ижоди тўғрисида ёрқин тасаввур шакллантирилди.

28 январь куни созанда, бастакор, кўшиқчи ва драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илёс Маллаев таваллудининг 75 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Кечага Илёс Маллаев билан ижодий ҳамкорликда ишлаганлар, уни устоз деб билганлар таклиф этилдилар. Хотира кечасида ижоди ўзбек санъати ва маънавияти билан боғлиқ Илёс Маллаевнинг ўзбек халқ ва анъанавий муסיқаси ривожига ва унинг

Мусо

Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 110 йиллигига бағишланган давра-суҳбати бўлиб ўтди

20 январь куни Ўзбекистон халқ артисти Рейнгольд Морицевич Глиэр таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан ўтказилган адабий-муסיқий кеча ва унинг ҳаёт йўлини акс эттирувчи китоб-расмли кўргазма бўлиб ўтди

Ўзбек адабиёти намоюдаси Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан китоб-расмли кўргазма очилди





Заҳириддин  
Муҳаммад Бобур  
таваллудининг  
532 йиллиги  
муносабати билан  
«Анда жоним  
қолди...» деб  
номланган давра  
суҳбати ўтказилди

Алишер Навоий  
таваллудининг  
574 йиллигига  
бағишланган  
«Навоий назмига  
боқсанг...»  
мавзусида  
адабий кеча  
ўтказилди

7 февраль куни  
Ўзбекистон  
Фанлар  
Академияси  
академиги,  
профессор  
Г.А. Пугаченкова  
таваллудининг  
100 йиллиги  
муносабати билан  
очиқ кўргазма  
ташқил қилинди

тарғиботига қўшган ҳиссаси эътироф этилди. Шунингдек, санъаткорнинг хотирасига бағишланган фильмдан лавҳа намойиш этилди.

#### Февраль

5 февраль куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига бағишланган «Навоий назмига боқсанг...» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатда таникли навоийшунос олимлар, театр арбоблари, бастакорлар, ёзувчилар, шоирлар, тадқиқотчилар, талабалар, лицей, коллеж ва мактаб ўқувчилари ҳамда кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Навоийшунос олимлар Алишер Навоийнинг ўзбек ва жаҳон адабиёти, маданиятига, инсонлар бахт-саодати, халқ фаровонлиги, мамлакат ободонлиги, она тилимиз ривожини учун қўшган улкан ҳиссаси, ҳозирги кунда унинг асарлари устида олиб борилаётган илмий изланишлар ҳақида гапирдилар.

7 февраль куни тарихчи-санъатшунос, археолог олима, Ўзбекистон ФА академиги, профессор Г.А. Пугаченкова таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адабиётларнинг очиқ кўргазмаси очилди. Ундан Г.А. Пугаченкованинг Ўрта Осиё архитектура ёдгорликлари, меъморчилик, Кушон даври, Бақтрия санъати тарихи, Навоий даври санъати тарихи, илк асрлардан XIX аср ўрталаригача бўлган давр, Ўзбекистон санъати тарихи, архитектура тараққиёти омиллари, Ўрта Осиё миниатюра санъати ва Амир Темур меъморий мероси тўғрисидаги илмий изланишлари ўрин олган.

10 февраль куни эса, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, шоир, тарихчи, давлат арбоби, моҳир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллиги муносабати билан «Анда жоним қолди...» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида ўзбек давлатчилиги тарихида Бобурийлар сулоласининг ўрни ва бугунги ёшлар маънавиятидаги аҳамияти, Бобур адабий мероси, жаҳон адабиёти ва санъатига қўшган ҳиссаси алоҳида тилга олинди. Тадбир доирасида Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Ҳамидулла Тошпўлатов Бобур ҳаётига бағишланган сахна кўринишларидан парчалар намойиш этди, ҳофиз Тоиржон Латипов ижросида эса, Бобур газалларига басталанган мумтоз кўшиқлар янгради.

12 февраль куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ артисти соҳнада, бастакор, Ўзбекистон джаз-оркестри бадий раҳбари Мансур Тошматов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Мансур Тошматов ўз ижод йўли, «Синтез», «Наво», «Садо» каби вокал-чолғу ансамблларидаги фаолияти, ўзи тузган «Сидерис», «Сетора» гуруҳлари ҳақида гапириб берди. Меҳмонлар эътиборига «Песня-78» телевизион танловидан «Ташкент – Звезда востока» кўшиги кино-лавҳалари ҳавола этилди. Ижодий учрашувда Мансур Тошматов йилганларга «Бу қандай савдо», «Канатоходец», «Моя Любовь», «My way», «She is a lady» кўшиқларини армуғон этди.

18 февраль куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Саломат Вафонинг «Номсиз кема» китоби тақдироти бўлиб ўтди. Тадбирда «Номсиз кема» тўпламига кирган ҳикоялар муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар ёзувчининг ўз характер жиҳатларидан фойдаланган ҳолда, аёллар сиймосини моҳирона тасвирлаш қобилиятига алоҳида ургу бердилар.

20 февраль куни Халқаро она тили кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат хоним тадбир қатнашчиларини мазкур байрам билан муборакбод этди.

Тадбир доирасида Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган артист З. Раҳматуллаева раҳбарлигида «Мерос» гуруҳи, «Озарбайжон гызлари» ансамбли, композитор ва кўшиқчи Г. Арефьев ижросида А.С. Пушкин ва А. Аҳматова шеърларига басталанган романслар, «Мараги» корейс сўзлашув клуби вакилларининг корейс миллий кўшиқларидан ташкил топган концерт дастури намойиш этилди.

25 февраль куни шоира Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Баҳор келди сени сўроқлаб» деб номланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўзбек адабиёти хазинасини беназир асарлари билан бойитишга ҳисса кўшган, ҳар бир мисрасида энг олий инсоний хислатлар тараннум этилган, шеърини тўпламлари билан миллий адабиёт довруғини дунёга таратган шоира Зулфия ижоди, фаолияти ва унинг авлодлар учун ибратли ҳаёти ҳақида гапирдилар. Шоира Мухтарама Улугова Зулфиянинг республикамизнинг турли вилоятлари бўйлаб қобилиятли ёшларни ахтариб қилган сафарларини тилга олди, ёш қалам аҳлига ўз амали ва ширин сўзи билан кўрсатган устозлиги ҳақида хотирлади.

Тадбир доирасида «Мушоира этади давом...» номли китоб – расми кўرғазма очилди. Кўрғазмада ҳавола этилган китоблар сони ҳам мушоира мавзусини давом эттиргандек, гўё. Чунки бу ерда Зулфия асарларининг илк нашрлари билан бир қаторда, янги, шу кунларда чоп этилган сайланмалари ҳам ўрин олди. Кўрғазмада Зулфиянинг турли йилларда нашр этилган китоблари сингари, унинг 40-йилларда чоп этилган шеърини тўпламлари фойдаланувчилар эътиборини тортди. Шунингдек, мазкур кўрғазмада фойдаланувчиларга шоира ҳаёти ва ижодига атаб ёзилган китоблар ҳам тақдим этилди. Кўрғазмада сadoқат ва вафо куйчиси Зулфиянинг рус, козок, украин, поляк ва бошқа тилларга таржима қилинган шеърини тўпламлари ҳам муносиб ўрин эгаллади.

### Март

2 март куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида хонанда Лола ва DJ Pillgrim ижросида Жон Ленноннинг афсонавий IMAGINE кўшиғининг тақдими бўлиб ўтди.

Миллий услубда тақдим этилган клип томошабинларда катта таассурот қолдирди. Томошабинлар ва ОАВ ходимлари клип ижодкорларига ўзларини қизиқтирган саволлари билан мувожаат этдилар.

3 март куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбек давлат консерваторияси профессори Муяссар Раззоқова билан ижодий учрашув ва «Введение в основы академического пения» («Академик хонандалик асосларига кириш») деб номланган дарслик-китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар Муяссар Раззоқованинг ўзбек опера санъати ривожига кўшган бекиёс ҳиссасини таъкидлаб, унинг бой ижодий фаолияти ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Хусусан, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси раиси, профессор Рустам Абдуллаев ўз нутқида Муяссар Раззоқованинг жаҳон опера ижрочилиги ўрни ҳақида гапириб, тақдим этилаётган китобда моҳир санъаткорнинг опера саҳнасида тўплаган кўп йиллик ва қимматли тажрибаси ўз аксини топганлигини айтиб, уни бўлажак хонандалар учун муҳим китоб сифатида баҳолади. Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Нормўмин Султонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шукур Гофуров, Муяссар Раззоқовалар ва камера оркестри ижросида «Ромео ва Джульетта», «Сицилия окшоми», «Дон Жуан», «Травиата» операларидан парчалар, «Вдоль по улице метелица» рус халқ кўшиғи янгради. Тадбир меҳмонлари, ОАВ ходимлари ва Миллий кутубхона фойдаланувчилари Муяссар Раззоқова ижоди ва репертуари хусусида суҳбатлашдилар ва опера кўшиқларидан тузилган концертдан баҳраманд бўлдилар.

10 март куни Ўзбекистонда хизмат кўрсат-

Халқаро она тили кунига бағишланган тадбирда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат хоним тадбир қатнашчиларини мазкур байрам билан муворакбод этди

Шоира Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Баҳор келди сени сўроқлаб» деб номланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди







Ўзбекистон халқ артисти,  
Ўзбекистон джаз-оркестри бадий раҳбари Мансур Тошматов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди

ган фан арбоби, туркийшунос, тилшунос олим, кўплаб рус-ўзбек ва ўзбек-рус лугатлари муаллифи, филология фанлари доктори академик Виктор Васильевич Решетов таваллудининг 105 йиллигига бағишланган очик кўргазма очилди. Кўргазмадан В.В.Решетов томонидан ёзилган китоблар, ўқув ва услубий қўлланмалар, ўзбек тили диалектологияси ва рус тили грамматикасига доир дарсликлар ўрин олди. Кўргазмага ташриф буюрган фойдаланувчилар ўзбек адабий тили таянч шева-си ва ўзбек лаҳжалари таснифи билан яқиндан танишдилар.

Буюк тилшунос, қомусий олим, Мутафаккир Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 940 йиллигига бағишланиб, «Маҳмуд Замахшарий мероси ва ҳозирги замон» мавзусида илмий-назарий семинар бўлди

18 март куни тилшунос, қомусий олим, мутафаккир Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 940 йиллигига бағишланиб «Маҳмуд Замахшарий мероси ва ҳозирги замон» мавзусида илмий-назарий семинар бўлиб ўтди. Семинар Имом Бухорий Халқаро маркази, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Республика Байналмилал маданият маркази, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Хоразм Маъмур Академияси, Урганч Давлат университети, Ўзбекистон «Маърифатпарвар» жамияти ва «Абу Райҳон Беруний авлодлари» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди. Семинар Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва ижодини ҳамда меросининг филология, маънавият, диншунослик, ижтимоий-гуманитар ва фалсафий фанлар ривожига ўрнини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, унда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан суратга олинган буюк мутафаккир Маҳмуд Замахшарий ҳаёти, ижоди ва маънавий мероси ҳақидаги «Фасоҳат илмининг султони» номли видеофильм тақдими ҳам бўлди.

27 март куни Халқаро театр кунига бағишланган китоб-расми кўргазма ташкил қилинди. «Театр – ҳаёт демак...» деб номланган китоб-расми кўргазмада миллий ва жаҳон театр санъати, унинг фидойи намоёндалари ва бу соҳа сир-асрорлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, расмлар, газета ва журналлар ўрин олди. Китоб-расми кўргазмадан жой олган «Ўзбекистон театрлари», «Миллий театримиз намоёндалари», «Истиклол ва Миллий театр», «Мастера узбекской оперной сцены», «Ўзбекистон Катта театри» каби китоблар ўзбек миллий театр санъати тўғрисида ҳикоя қилса, «История западноевропейского театра», «Японский театр», «Полвека еврейского театра», «Представители мирового театра» китоблари жаҳон театрининг ўзига хосликлари, ёшлар тарбиясида театр санъатининг ўрни ва аҳамияти, катта касбий тажрибага эга бўлган фидойи инсонлар ҳақида маълумот беради. Китоблардан ташқари, кўргазмада Ўзбекистонда чоп этиладиган «Театр» журналининг баъзи сонлари намойиш этилди. Мазкур китоб-расми кўргазмага ташриф буюрган кутубхона фойдаланувчилари машҳур театр сахнаси парда ортига назар ташлаб, сахна безаклари техникаси, театр бутафория ва реквизит санъати, шунингдек, театр эстетикаси меъёрлари ҳақида билимга эга бўлдилар.

Умумхалқ байрами Наврўзга бағишланган «Қадамнингга ҳасанот, Наврўз» номли китоб-расми кўргазмада Наврўз миллий байрамининг Ўзбекистонда нишонланишининг ўзига хослиги ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, журналлар ва рисоалар тақдим этилди. Кўргазмадан жой олган расмларда табиатнинг уйго-



ниши, баҳорнинг келиши, байрам тантаналари, халқ сайиллари, байрам таомлари тайёрланиш жараёни, халқ мусобақалари ва бошқалар тасвирланган.

«Наврўзнама», «Наврўз», «Наврўз дастурхони» китоблари кўрғазмага ташриф буюрувчиларга байрам тарихи, асл Наврўз таомлари ва Наврўз билан боғлиқ миллий удумлар ва урф-одатлар тўғрисида маълумот олишга ёр-

дам беради. Кўрғазмада, шунингдек, миллий қадриятларимиз ва ўзбек халқининг ижтимоий тараққиёти, халқ байрамларининг маънавий аҳамияти ва Наврўз ҳикматлари жамланган «Ўзбек удумлари» ва «Байрамларимиз» китоблари ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Муяссар Раззоқова билан ижодий учрашув ва «Введение в основы академического пения» деб номланган дарслик-китобининг тақдироти бўлиб ўтди

#### **Гульчехра Хамидова, пресс-секретарь Национальной библиотеки Узбекистана**

*В статье даётся подробная информация о проведённых социо-культурных мероприятиях в Национальной библиотеке Узбекистана в первой четверти 2015 года. Это: духовно-просветительские мероприятия, творческие встречи, вечера памяти, беседы за круглым столом, семинары, мастер-классы, презентации книг и фильмов, конкурсы и викторины, а также тематические и персональные фото-книжные выставки и выставки картин и предметов прикладного искусства.*

*За этот период в Национальной библиотеке Узбекистана провели творческие встречи с пользователями народный писатель Узбекистана Тохир Малик, народная артистка Узбекистана Тутти Юсупова, народный артист Узбекистана Мансур Тошматов, народная артистка Узбекистана и Каракалпақстана Муяссар Раззақова, певица Лола. Также были организованы выставки, посвящённые жизни и творчеству таких известных во всем мире и в Республике Узбекистан личностей, как актёр Хикмат Латипов, писатель и переводчик Ойбек, писатель и драматург А.П. Чехов, композитор и дирижёр Р.М. Глиэр, издатель и просветитель Бехбуди, поэт Жура Султон, поэт и мыслитель Алишер Навои, учёный археолог Г.А. Пугаченкова, поэт и государственный деятель Бобур, народная поэтесса Зулфия, учёный тюрколог В.В. Решетов и тематические, посвящённые празднованию 23-летия создания Вооружённых сил Узбекистана, Международному дню родного языка, Международному женскому дню, Национальному празднику Навруз и Международному дню театра. На этих выставках пользователям были представлены книги, журналы, газеты и фотографии из фонда Национальной библиотеки Узбекистана. ■*